

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

**ЖАМОАДАГИ ИЖТИМОЙ-
ПСИХОЛОГИК МУҲИТНИ ЎРГАНИШ
МЕТОДИКАСИ**



ТЕРМИЗ-2011

Ушбу “Жамоадаги ижтимоий – психологик муҳитни ўрганиш методикаси” номли услубий кўлланма 2011 йил 25 февралда №6 сонли Психология кафедрасида, 2011 йил 25 февралда №7 сонли Педагогика факультет Илмий Кенгаши қарори билан тасдиқланган ва университет Илмий Кенгашидан тасдиқлаб бериш сўралган.

Тузувчи:

п.ф.н.Т.С.Жўраев.

Такризчилар:

**п.ф.н. Шарафутдинова Х.Г.
проф. Бобомуродов Э.**

Жамоадаги шахслараро муносабатлар, мавжуд меҳнат шароити, амалдаги бошқарув тизими ходимларнинг кайфиятига, меҳнат самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Тавсия этилаётган ушбу методика Сиз ишлаётган жамоадаги ижтимоий-психологик муҳитни ўрганишга қаратилган. Бунда куйидагиларни аниқлаш имкониятига эга бўламиз:

1. Меҳнатдан қониқиш даражаси. Бу асосий кўрсаткич ҳисобланади.
2. Ҳамкасблар билан ўзаро муносабатдан қониқиш.
3. Раҳбар ва ходимлар ўртасидаги муносабат даражаси.
4. Ходимнинг жамоа ҳаётига киришганлик даражаси.
5. Ташкилий масалалардан қониқиш даражаси.
6. Жамоат ташкилотлари фаолиятидан қониқиш даражаси.
7. Ҳодимлар қўнимсизлигининг потенциал шакли.
8. Саволларга респодиент (текширилувчи)нинг сидқидиллигини ифодалаш кўрсаткичи.

Тадқиқодимиз холис ўтказилаётганлиги учун ўз исм фамилиянгизни кўрсатмаслигингиз мумкин (хоҳласангиз кўрсатинг).

Саволларга жавоб беришда ёнингиздагилар билан маслаҳатлашманг. “Жавоб беришга қийналаман” каби ноаниқ вариантларни камроқ танлашга ҳаракат қилинг.

Сиздан саволларга самимий, очиқ-ойдин жавоб беришингизни сўраймиз.

Унутманг, Сизнинг жавобларингиз натижаси университет амалий фаолиятида тадбиқ этилиши кўзда тутилади.

1. Ишингиз ўзингизга ёқадими?

- а) жуда ёқади;
- б) ёқади;
- в) унчалик ёқмайди;
- г) жавоб беришга қийналаман.

2. Ҳамкасбларингиз билан муносабатдан қониқасизми?

- а) тўла қониқаман;
- б) деярли қониқаман;
- в) унча қониқмайман;
- г) жавоб беришга қийналаман.

**3. Раҳбарингиз билан ўзаро муносабатдан қониқасизми?
(Ректор, проректор, декан, мудир-кўрсатинг).**

- а) тўла қониқаман;
- б) деярли қониқаман;
- в) унча қониқмайман;
- г) жавоб беришга қийналаман.

4. Орангизда алоҳида мавқе ва имтиёзга эга, раҳбар билан яқин бўлиб олганлар борми? Улар ўз устунликларини намойиш қилиб турадими? (Ким билан кўрсатинг ректор, проректор, декан, мудир).

- а) ҳа;
- б) йўқ;
- в) билмайман.

5. Жамоангиз ҳаётида бўлиб турадиган турли воқеа ва янгиликлардан қай даражада хабардорсиз?

- а) ҳар доим тўла хабардорман;
- б) етарли хабардорман;
- в) қисман хабардорман;
- г) хабардор эмасман.

6. Баъзи ҳолларда одатдагидан кўра ёмонроқ фикр мулоҳаза юритасизми?

- а) ҳа, баъзан;
- б) йўқ, ҳеч қачон;
- в) жавоб беришга қийналаман.

7. Жамоангизда иш фаолиятига доир масалалар қандай ҳал қилинади?

- а) кўпчилик ўз фикрини очик айтади;
- б) ўз фикрини айримларгина айта олади;

- в) кўпчилик очик фикр билдирмайди;
- г) ҳеч ким ўз фикрини очик айтмайди.

8. Ишдан сўнг ўз ҳамкасбларингиз билан суҳбатлашиш, кўришиш, телефонда гаплашиш хоҳиши бўладими?

- а) ҳар доим бўлади;
- б) тез-тез бўлиб туради;
- в) йўқ, бўлмайди;
- г) жавоб беришга қийналаман.

9. Жамоангизда шахсий сирларингизни шаксиз ишониб айтадиган ҳамкасблар борми?

- а) ҳа албатта;
- б) афсуски йўқ;
- в) жавоб беришга қийналаман.

10. Ҳамкасбларингиздан бирортаси қонунга хилоф иш қилса, қандай муносабатда бўласиз?

- а) бундайлар билан тегишли ташкилот шуғулланади, кўрмаганга оламан;
- б) яхши иш қилмаётганини тушунтираман;
- в) уни жамоа мажлисига кўяр эдим;
- г) жавоб беришга қийналаман.

11. Раҳбарлар, ходимларни лавозимга кўтариш ёки пасайтиришда ҳаққонийлик, одиллик борми?

- а) ҳа, қобилиятли ва муваффақиятга эришганлар лавозимга кўтарилади;
- б) айримлар қобилиятига кўра, айримлар таниш-билиш, кариндош-уруғчилик, лаганбардорлик орқали мансабга эришади;
- в) тўла таниш-билишлик, ошна-оғайнигарчилик, совға-салом орқали амалга ошади;
- г) бирор нарса дейишга қийналаман.

12. Жамоангизда мукофот ва бошқа рағбатлантиришлар, иш ҳақининг оширилиши адолатлими?

- а) ҳа, албатта;
- б) йўқ, меҳнатга яраша эмас;
- в) жавоб беролмайман.

13. Масъулиятсиз, қониқарсиз ишлайдиган ҳамкасбларга муносабатингиз?

- а) кўрмаганга оламан;
- б) насиҳат қилиб, тўғри йўл кўрсатаман;
- в) мажлисда танқид қиламан;

г) жавоб беришга қийналаман.

14. Касаба уюшмаси ташкилотининг иши тўғрисида нима дея оласиз?

а) ўзимиз сайлаган вакиллар қаттиқ туриб, манфаатларимизни ҳимоя қилади;

б) жуда суст ишлаб, маъмурият манфаатидан келиб чиқади;

в) мажлисда танқид қиламан;

г) бир нарса дейишга қийналаман.

15. Раҳбарлар, ҳамкасблар асабингизга теккан ҳоллар бўлганми?

а) ҳеч қачон бўлмаган;

б) ҳа, бўлиб туради;

в) жавоб беришга қийналаман.

16. Бирор касбдошингиз касал бўлиб қолса, уни кўргани бориш жамоангизда одатга айланганми?

а) ҳа;

б) йўқ;

в) жавоб беролмайман.

17. Жамоангизда танқидга муносабат қандай?

а) танқид тўғри қабул қилинади ва ишни яхшилашга асос бўлади;

б) танқид эшитилади, бироқ ваъдалигича қолиб кетади;

в) танқид қилганни раҳбарлар “йўқотиш”га ҳаракат қилади;

г) жавоб беролмайман.

18. Айтайлик, раҳбарингиз ўз вазифасидан кечмоқчи бўлса, уни бу фикрдан қайтаришга уринармидингиз? (Ректор, проректор, декан, мудир) ёзиб кўрсатинг.

а) ҳа;

б) йўқ;

в) билмадим.

19. Сизда раҳбарингизга нисбатан аччиқланиш, жаҳл чиқиш ҳисси пайдо бўлганми? (Ректор, проректор, декан, мудир) ёзиб кўрсатинг.

а) ҳа, баъзан;

б) йўқ;

в) жавоб беришга қийналаман.

20. Агар овоз бериш йўли билан янги раҳбар сайланса, ҳозирги раҳбарингизга овоз берармидингиз? (Ректор, проректор, декан, мудир) ёзиб кўрсатинг.

- а) ҳа;
- б) йўқ;
- в) билмадим.

21. Айтайлик, вақтинча ишламаяпсиз, яна шу жойга қайтармидингиз?

- а) ҳа;
- б) йўқ;
- в) билмадим.

22. Касбингизни ўзгартиришни хоҳлармидингиз?

- а) ҳа;
- б) йўқ;
- в) шу ҳақда ўйлаб юрибман;
- г) бир нарса дея олмайман.

23. Университетда қайси йўналиш фаолияти қониқарсиз деб ҳисоблайсиз?

- а) ўқув жараёни;
- б) маънавият ишлари;
- в) илмий ишлар;
- г) молиявий ишлар.

24. Сизнингча кўпроқ нималарга эътибор қаратиш керак? Таклиф ва мулоҳазаларингиз _____

***Тадқиқотимизда иштирок этганингиздан
миннатдормиз!***

**Методика психология фанлари номзоди Жўраев Т.С.
томонидан ишлаб чиқилди.**

**Асос: Санк-Петербург давлат университетининг
ижтимоий – психология кафедрасида яратилган.
“Психологик муҳит хусусиятларини ўрганиш” анкетаси.**